



# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ  
МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2005 йил, 7 апрель, пайшанба № 42 (2086).  
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Четверг, 7 апреля, 2005 год, № 42 (2086).  
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда

В розницу — цена свободная

## АНЪАНАВИЙ ДЎСТЛИК ВА ЯНГИ АСОСДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 4-6 апрель кунлари давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди.

Давлатимиз раҳбари сафар олдиан журналистларга берган интервьюсида Ўзбекистон халқига Ҳиндистон ҳақида батафсил сўзлаб беришга зарурат йўқлигини таъкидлади. Бой тарих ва маданиятга эга бу мамлакатни кўпчилигимиз яхши биламиз. Лекин бугунги кун нуқтаи назаридан қаралганда, ҳозирги Ҳиндистон ҳақида кўп яхши фикрлар айтиш мумкин. Мамлакат саноат ишлаб чиқариши, жалб қилинаётган хориж сармояси ҳажми жиҳатидан дунёдаги дастлабки ўнликка кирди. Ядровий технологиялар ва коинотни забт этиш борасида ҳам энг илғор мамлакатлар сафида туради. Жаҳонда ахборот технологиялари йўналишида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ярмидан ортиги Ҳиндистон ҳиссасига тўғри келади.

Дунёдаги энг кўп суғориладиган экин майдонига эга Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кўп асрлик анъаналари, замонавий ирригация технологияларининг ишга солиниши туфайли бир миллиарддан зиёд аҳолининг эҳтиёжини қондирибгина қолмай, катта миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт ҳам қилади. Қулай сармоявий муҳит ва улкан бозор дунёнинг дондор корпорацияларининг бу мамлакатга қизиқишини тобора ошироқда. Биргина автомобилсозлик соҳасини олсак, Ford, Suzuki, Hyundai каби кўплаб машҳур компаниялар ўз маҳсулотини Ҳиндистонда ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйган.

Сўнгги йилларда ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг улуши 75 фоиздан ошгани, ўртаҳо аҳоли сони кўпаяётгани (ҳозир 400 миллиондан зиёд) мамлакат иқтисодиёти замонавий бозор талаблари асосида ривожланаётганидан далолатдир. Умуман, иқтисодий ўсиш суръати борасида Ҳиндистон дунёда энг юқори погоналардан бирида туради.

Президент Ислон Каримов Деҳлидаги расмий кутиб олиш маросимидан сўнг мат-

буот учун берган баёнотида Ҳиндистоннинг юксак салоҳияти ва катта нуфузига алоҳида тўхтади. Ўзбекистон бу мамлакат билан муносабатларни қадрлашини таъкидлади. Ташрифдан кўзланган мақсад эса дўстона алоқаларни янада кенгайтириш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан фикр алмашиш эди. Шундай бўлди ҳам.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Ҳиндистон Президенти Абдул Қалам ва Бош вазир Манмоҳан Сингх билан учрашувларида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш бўйича атрафлича фикр алмашди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўзаро манфаатли ҳамкорликни, айниқса, савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги алоқаларни янги поғонага кўтариши учун катта салоҳият ва имкониятга эга, бунга интилиш икки томонда ҳам кучли. Икки мамлакатнинг халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалаларга нисбатан қарашлари муштарак. Бу амалий ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим сиёсий асосдир.

Ислон Каримов Ҳиндистон вице-президенти Бхайрон Сингх Шехават билан учрашувда парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Натвар Сингх, мудофаа вазири Пранаб Мукержи, савдо ва саноат вазири Камал Нат билан ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Музокараларнинг амалий натижаси ташриф давомида имзоланган 13 ҳужжатда ўз ифодасини топди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида

Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларининг жасорати ва фидойилигига чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги» юбилей медали билан мукофотлансин.

2. Мазкур Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган шахсларга 20000 (йигирма минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

3. «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги» юбилей медали ва пул мукофотини топшириш маросимини Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, Миллий хавфсизлик хиз-

мати раиси, Ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари маҳаллий ҳарбий бошқарув органлари, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашлари вакиллари иштирокида тантанали равишда ўтказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда юбилей медалларини топшириш ва пул мукофотларини тўлаш тартибининг белгилансин, юбилей медаллари ва уларнинг гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрлашни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 6 апрель.

## НИШОНГА БЕХАТО ОТДИ

Ўтган йилнинг кузги чақирувида сафларни тўлдирган оддий аскар Жаҳонгир Арслоновнинг айни кунларда шижоати янада баланд. Негаки, унинг синов машғулотларидан умиди катта. Мақсади мавсумнинг синовларида юксак натижаларга эришиш. Бунинг учун унда билим, кўникма етарли.

Пулемётчи вазифасига тайинланганидан кейин посбон устоз офицерлардан, кичик командирлардан пухта сабоқлар олди. Нафақат тактикани, балки бошқа жанговар тайёргарликларни ҳам ўзлаштира борди. Масалан, ижтимоий-сиёсий тайёргарликлардан доимо «яхши», «аъло» баҳолар олиб келяпти. Полигонда бўлиб ўтган амалий машғулотда нишонларга беҳато отгани кўпчилик сафдошларига ибрат бўлди. «Жаҳонгирдан ўрнак олиб, юксак натижаларга эришсангизлар, мавсумни илғорлар қаторида яқунлаймиз», деган эди ўшанда гуруҳ командири лейтенант Ж.Тиллаев.

Мана, аҳил, жипс жамоа бугун ютуқлар довоини эгаллаш арафасида турибди. Фақат синовлардаги натижалар кўнгилдагидек бўлса бас.

— Мудофаа жангида шартли душмanning пйёдаларини, тахминан 300 метрлар чамаси узоқликдаги нишонни аниқ мўлжалга олдим. Айтмоқчиманки, синов машқлариди бу борада муваффақият қозонаман. Шартнома бўйича хизматни давом эттириш ниятим бор. Шунинг учун айни дамда соҳа илмини яхшилаб ўзлаштиришга интиляман, — дейди оддий аскар Ж.Арслонов.

Ахрор ТҮЙЧИЕВ,  
ЎЗМУ журналистика  
факультети талабаси.

Твой герой, Родина!

## ЭТИ СУДЬБЫ ВОЕННЫЕ

Полковник медицинской службы Бахрон Давронович Давронов на службе в Вооруженных Силах уже 27 лет. А с медициной связан более 30 лет. В связи с 13-й годовщиной Вооруженных Сил Республики Узбекистан его заслуги были высоко оценены государством — он награжден медалью «Шуҳрат».



Еще мальчишкой был Бахрон Давронов и помнит, как многие жители кишлака Джамбай, что в Самаркандской области, уходили благодарными его деду Ислому-бобо и бабушке Мухарам-апа. Дело в том, что именно к ним люди обращались за медицинской помощью. И нередко, когда официальная медицина признавала пациента «безнадежным» или требовала чрезвычайных мер, то на помощь приходил, как называли Ислома-бобо, костоправ. Знаток народной медицины многим сохранил здоровье, спас от инвалидности.

А Мухарам-апа лечила лекарственными травами.

— Тогда я еще не осознавал, что мои дед и бабушка многих безнадежных больных с различными диагнозами подняли на ноги. Причем без хирургического вмешательства, — вспоминает полковник медицинской службы Б.Давронов. — Я еще не мог по-настоящему понять всю значимость и ценность того, что они делают. Бывало, к ним приезжали и из далеких районов и городов. Уже давно их нет в живых, но чувство гордости за них охватывает до сих пор.

(Окончание на 4-й стр.)

# АНЪАНАВИЙ ДЎСТЛИК ВА ЯНГИ АСОСДАГИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мудофаа вазирликлари ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан Ҳиндистон давлат савдо корпорацияси ўртасида англашув меморандуми, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Ҳиндистон сайёҳликни ривожлантириш корпорацияси ўртасида англашув протоколи, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Ҳиндистон савдо-саноат палаталари федерацияси ҳамда Ҳиндистон экспорт ташкилотлари федерацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Ҳиндистон давлат банки ҳамда Ҳиндистон экспорт-импорт банки ўртасида ҳамкорлик меморандумлари, «Ўзсаноатмашимпекс» давлат акционерлик ташқи савдо компанияси билан Ҳиндистоннинг «Компетент» компаниялари гуруҳи ўртасида Савдо уйи ташкил этиш тўғрисида меморандум, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Жавоҳарлаъл Неру университети ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институти билан Мирзо Ғолиб институти ўртасида англашув меморандумлари имзоланди.

Бу ҳужжатларнинг ўзиёқ музокаралар нечоғли кенг қамровда ўтганини кўрсатиб турибди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочиш тўғрисида битимлар илгари имзоланган. Энди эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид ҳукуматлараро битим ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Таълим соҳасининг юксак аҳамиятини инобатга олган ҳолда томонлар бу йўналишда ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқди ва олий ўқув юрталарининг алоқаларига кенг йўл очиб берди. Жавоҳарлаъл Неру универси-

тети ва Мирзо Ғолиб институтининг нуфузи Ҳиндистондан ташқарида ҳам юқори.

Маданият соҳасида 2005-2007 йилларга мўлжалланган дастур халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Мудофаа вазирликларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги ҳужжат бугунги воқелик нуқтаи назардан қараганда ғоят долзарбдир. Юксак ҳарбий салоҳиятга эга Ҳиндистон билан бу боладаги алоқалар терроризмга қарши курашга доир ҳаракатларни мувофиқлаштиришда, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ўзаро тажриба ва ахборот алмашишда жуда муҳим ўрин тутди.

Президент Ислон Каримовнинг Ҳиндистон сафарига давлат ташрифи мақоми берилгани Ҳиндистон раҳбариятининг Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга катта иштиёқидан далолатдир. Ташриф асосида иқтисодий соҳага оид еттига ҳужжат қабул қилингани унинг нечоғли самарадор бўлганини ва қандай улкан аҳамиятга эгалигини кўрсатади. Савдо-саноат палаталари, банклар, сайёҳлик компаниялари ўртасидаги муносабатларнинг расмийлаштирилгани савдо-иқтисодий алоқаларга янги суръат бахш этиши тайин. Ҳамкорликда ташкил этиладиган Савдо уйи ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 160 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Ҳиндистон сармояси иштирокида тузилган қирққа яқин қўшма корхона ҳамда Ҳиндистондаги 4 компаниянинг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Деҳли музокараларида бу кўрсаткичларни ошириш, мавжуд имкониятларни тўла ишга солиш, Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолиятини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз Ҳиндистонга асосан рангли металлар ва улардан ясалган буюмларни, айрим хизмат турларини, полиз маҳсулотларини, ипак ва кимёвий толаларни экспорт қилади. Импорт эса қоғоз ва картон, дори-дармон, ускуна, органик ва кимёвий бирикмалар каби маҳсулотлардан иборат. Бу рўйхатларни анча кенгайтириш мумкин. Самолётсозлик, нефть кимёси, ўғит, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, тери ва ёғочни қайта ишлаш сингари соҳаларда ҳамкорлик кўламини ошириш имкониятлари кўп. Юқори технологиялар, жумладан, ахборот технологиялари, шунингдек, тоғ-кон саноати борасидаги алоқаларни ҳам савдон талабларига мос равишда ривожлантириш мумкин. Фан, таълим соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам долзарб аҳамиятга молик. Тарих ва фалсафа бўйича қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, маданият ва санъат намоёндаларининг ўзаро алоқасини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳиндистон товарлари ва хизматларининг Марказий Осиё бўйлаб ёйилиши учун Ўзбекистонда қулай шароит мавжуд. Ўзбекистон эса ўз ташқи савдосини ривожлантиришда ўндан ортиқ йирик ва икки юзга яқин кичик бандаргоҳи бўлган Ҳиндистоннинг коммуникацияларидан янада кенг фойдаланиши мумкин.

Қисқача айтганда, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги кўламини имкониятлар доирасига солинса, унчалик катта сегментни ташкил этмайди. Деҳли учрашувларида шу сегмент ҳажмини доира даражасига етказиш масалалари батафсил кўриб чиқилди ва муайян келишувларга эришилди.

Президент Ислон Каримов ташрифининг учинчи кунини «Хумоюн» ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди. Бобур Мирзо асос солган салтанатни мерос олган Хумоюн Мирзо мақбараси — Деҳлидаги энг гўзал иншо-

отлардан. Айтишларича, мақбара учун жойни Хумоюннинг ўзи танлаган экан. Обида 1565 йилда, ўша кезлари меъморликни санъат даражасига кўтарган Мирза Ғиёс тарҳи асосида Хумоюн Мирзонинг рафиқаси Ҳамида Бегим раҳнамолигида бунёд этилган. Ҳиндистонда мақбаралар атрофини боғ-роғ билан безаш анъанаси айни шу мажмуадан бошланган.

Ислон Каримов «Хумоюн» мажмуи Бобурийлар даврининг етук меъморий обидаларидан эканлигини таъкидлади. Аждодларимизнинг ҳинд заминиде қолдирган улкан мероси халқларимизнинг тарихий муштараклигидан далолатдир. «Тож Маҳал», «Хумоюн» каби обидалар Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари учун бирдек қадрли ва азиз.

Деҳлидаги кўплаб биноларда «Тож Маҳал» ёки бошқа таниш атамаларни кўриш мумкин. Хусусан, Президентимиз учун ажратилган қароргоҳ ҳам «Тож Маҳал» деб номланган. Буларнинг барчаси маънавий қадриятларимизнинг муштараклигидан, халқларимизнинг бир-бирига яқинлигидан далолатдир.

Президент Ислон Каримов ташриф аввалида Маҳатма Ганди, сафар якунида Хумоюн Мирзо мақбараларини зиёрат қилгани азалий дўстлигимиз мустақкам эканлигига гўзал бир ишорадир. Анъанавий алоқаларимиз мустақиллик йилларида янги-ча асосда ривожланмоқда. Бундан манфаатдор эканлигини икки томон ҳам эътироф этади. Кўп асрлик ришталарга эга бўлган Ўзбекистон ва Ҳиндистон муносабатлари бугун ўз тараққиётининг мутлақ янги даврга қадам қўймоқда. Давлатимиз раҳбарининг Ҳиндистонга бу галги, яъни давлат ташрифи ўзаро ҳамкорлигимиз тарихига ана шу даврнинг муҳим босқичи сифатида кириши шубҳасиздир.

Анвар БОБОЕВ,  
ЎЗА махсус мухбири.  
Тошкент-Деҳли-Тошкент.

## Накануне контрольной проверки

# РУБЕЖ ВЫСОК, НО ДОСЯГАЕМ

В начале зимнего периода обучения каждый военнослужащий брал на себя определенные обязательства. И вот наступает так называемый момент истины, когда кто-то будет ходить с гордо поднятой головой, с честью выполнив обещанное, а кому-то придется краснеть перед боевыми товарищами за несдержанное слово. Одним словом, приближается контрольная проверка, которая и расставит все точки над "i". До начала этого ответственного экзамена остаются считанные дни. Воины-узбекистанцы вынесут на суд проверочных комиссий полученные знания и наработанные навыки. С полной уверенностью в собственных силах выйдут на огневые рубежи, трассы танкодромов и автодромов прежде всего те, кто с полной самоотдачей трудился на протяжении этих месяцев, умело используя учебное время. К их числу смело можно отнести подчиненных командира группы выпускника ЧВТКИУ прошлого года лейтенанта Хаета Сироева. В частности, экипаж танка, возглавляемого рядо-



вым Муродом Бозоровым. В свое время этот небольшой по численности коллектив, в состав которого входят наводчик-оператор рядовой Рустам Меликов и механик-водитель младший сержант по контракту Музаффар Хайдаров, обязался завершить первое полугодие только на отлично. Согласитесь, что цель, поставленная танкистами, очень благородна, но не так легко дося-

гаема, ведь экипажу боевой машины необходимо продемонстрировать не только мастерское владение вверенной техникой и вооружением, но и быть на высоте по всем остальным предметам обучения.

— Прежде чем заявить о столь высоком намеченном рубеже, — рассказывает командир экипажа, — мы тщательно взвесили свои потенциальные возможности, определили

сильные и слабые стороны, выработали четкий план выполнения имеющихся пробелов. Кому-то из нас предстояло поднажать в физподготовке, более усердно поработать на занятиях по общественно-политической подготовке, но в целом картина складывалась обнадеживающей, тем паче, что зимний период обучения только начинался и времени для совершенства было предостаточно.

Времени, действительно, было немало, но уж очень скоротечным оно оказалось. Сумели ли танкисты за этот отрезок воплотить намеченное в жизнь, и не разойдутся ли их слова с конкретными делами?

— Как командир подразделения, — говорит лейтенант Х.Сироев, — из месяца в месяц я все больше убеждался в том, что экипаж стоит на верном пути. Любая осечка становилась предметом серьезного разговора, после чего она уже не повторялась, а в журнале успеваемости практически значились только самые высокие баллы. Вот и на контрольных занятиях, ставших по сути последней проверкой сил перед предстоящим испытанием, воины еще раз доказали серьезность своих намерений.

Недавно танкистов экзаменовал полевой выход, где в полной мере должны были про-

явиться как индивидуальные способности каждого специалиста, так и тесное взаимодействие экипажа в целом. И на том и на другом участке воины блеснули незаурядным мастерством. Поначалу отличился механик-водитель младший сержант М.Хайдаров, уверенно преодолевший трассу танкодрома. Затем продемонстрировал снайперские качества наводчик-оператор рядовой Р.Меликов, сумевший первыми выстрелами поразить все мишени. Спустя несколько дней поле деятельности переместилось уже в пункт постоянной дислокации, и экипаж танка вновь оказался на высоте. Принимая зачеты по ОПП, строевой и физической подготовке, проверяя знания воинов по Общевоинским уставам и их выносливость в ходе сдачи нормативов, командир взвода оценил действия танкистов на отлично. Хочется надеяться, что и у проверяющих сложится идентичное мнение по поводу профессионализма и боевой выучки членов экипажа рядового М.Бозорова, а значит, они сумеют слергать слово и покорить намеченную вершину.

Подполковник  
Ярослав КОРУКА.

На снимке:  
экипаж боевой машины.  
Фото автора.

ЧАҚИРУВ — 2005

# ВАТАН ЧОРЛАР, СЕНИ ЎҒЛОН!

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарори ва Мудофаа вазирининг бу борадаги буйруғи матбуотда эълон қилинди. Ана шу Қарор ва буйруққа асосан, 2005 йил апрель-май ойларида муддатли хизматни ўтаб бўлганлар хизматдан бўшатилади ҳамда чақирув ёшига етганлар Қуролли Кучлар сафига қақрилади.

Президентимиз Қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси 2005 йил 15 мартда «Фуқароларни ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервиге бўшатиш ҳамда ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида» Қарор ва шу қарорга илова тарзида Низом ишлаб чиқди.

Шу боис, ўқувчиларимиз билан умумий ҳарбий мажбурият, ҳарбий хизмат турлари, чақирув, янги аъналар, имтиёз ҳамда Қарор ва буйруқнинг аҳамияти борасида суҳбатлаштириш лозим топдик.

## УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ

Дастлаб умумий ҳарбий мажбурият деган тушунчага ва унинг нима мақсадда ташкил этилишига тўхталсак.

Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларимизнинг Ватанимизни ҳимоя қилишга мажбурий ҳарбий тайёргарлиги ҳисобланади. Мақсад: Қуролли Кучларимиз сафини тўлдириш ва уларнинг резервини тайёрлаб боришни таъминлашдан иборат.

Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ҳарбий хизматга қақриш, чақирув ёки шартнома бўйича ҳарбий хизматни ўташ, резервдаги хизмат, муқобил хизмат, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қондаларига риоя этиш билан чекланиб қолмайди. Фавқулодда вазиятлар ёки Ўзбекистонга қарши ҳарбий тажовуз бўлган тақдирда аҳолини муҳофаза этиш чора-тадбирлари ҳам умумий ҳарбий мажбуриятга кирди.

## ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ ТУРЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги Қонунга мувофиқ мамлакатимизда ҳарбий хизматнинг тўртта тури: муддатли ҳарбий хизмат, сафарбарлик чақируви резервдаги ҳарбий хизмат, шартнома бўйича ҳарбий хизмат, резервчилар хизмати жорий этилган. Қуйида хизмат турларига қисқача таъриф берамиз.

**Муддатли ҳарбий хизмат** — чақириш ёшидаги фуқароларнинг оддий аскар лавозимларида, муқаддам ҳарбий хизматни ўтамаган офицерларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида Қуролли Кучлар сафига мажбурий хизмати.

Муддатли ҳарбий хизмат муддатлари: оддий аскарлар учун — ўн икки ой (олий маълумотли шахслар учун — тўққиз ой);

муддатли ҳарбий хизматни чақирув бўйича офицерлар таркиби лавозимларида ўтаётган офицерлар учун — тўққиз ой қилиб белгиланган.

**Сафарбарлик чақируви резервдаги ҳарбий хизмат** — муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақириш муддатини кечиктириш ва чақиришдан овоз этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга қақрилмаган шахсларнинг ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар тарзида ташкил этиладиган хизмат туридир. Чақирилувчилар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисоб ваарағига энг кам иш ҳақининг йиғирма беш баробаридаги пул бадалларини тўлашлари лозим.

Шу ерда бир нарсани алоҳида қайд этиш жоиз, маълумки, армияда

**«Вояга етган ҳар бир йиғит, ҳар бир фуқаро учун Қуролли Кучларимиз сафига хизмат қилиш ўз конституцион бурчини шунчаки адо этишдан иборат бўлмасдан, балки ҳарбий хизмат унинг учун нуфузли ва шарафли бир ишга айланиши зарур. Токи у ўзи англаб, ўзи танлаб олган мана шу касб эвазига ҳаётда муносиб ўрин ва эътироф топа олсин».**

Ислом КАРИМОВ.

хизмат қилувчилар сони тобора қисқармоқда, ҳарбий хизматга мажбурлар сони эса ортиб бормоқда. Сафарбарлик чақируви резервдаги ҳарбий хизмат чақирув ёшидаги барча фуқароларни ҳарбий тайёргарликка жалб қилишни, уларнинг умумий ҳарбий мажбуриятни бажариши ҳамда Қуролли Кучларимиз резерви ҳарбий тайёргарликдан ўтган ёшлар билан тўлдирилишини таъминлайди.

Сафарбарлик чақируви резервдаги хизматга рўйхатга олинган шахслар 27 ёшга тўлгунга қадар ҳар йилги йиғинга жалб этилиши мум-

монидан жалб этиладиган мутахассис врачлар томонидан тиббий кўриқдан ўтказилади. Саломатлиги талаб даражасида бўлса, уларга гувоҳнома берилади. Уларнинг умумтаълим тайёргарлик даражасини ошириш учун халқ таълими органлари масулу ҳисобланади.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва таълим муассасалари томонидан амалга оширилади. Бу ишга жа-


мамнун. — Бу гапни уйдагиларга айтган эдим, дарҳол белгиланган бадални тўлаб келдик. Энди бир ойлик йиғинга жалб этилишимни кутяпман. Ҳарбий гувоҳнома олганимдан сўнг шартнома бўйича ҳарбий хизмат қилиш ниятним ҳам йўқ эмас.

Муддатли ҳарбий хизматга, яъни аскарликка олинмаётганимдан асло хафа эмасман. Хизматнинг қайси турини ўташимдан қатъи назар Ватан олдидаги йиғитлик бурчимни ўтайман-ку. Шуниси муҳим.

## ЯНГИЧА АЪНАЛАР

Мустақиллигимиз туғайли тобора шаклланиб бораётган миллий армиямизда янги аъналар пайдо бўлмоқда. Масалан, муддатли ҳарбий хизмат муддатларини ўтаб бўлганларни уйига кузатиш ва жойларда уларни тантанали равишда кутиб олиш тадбирларини айтиш мумкин.

Бу борада юқориди қайд этилган ҳужжатларда шундай таъкидланган: «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек, резервга бўшатиш ҳарбий хизматчиларнинг яшаш жойларига



кин, 27 ёшга тўлгундан кейин Қуролли Кучлар резерви таркибига ўтказилади. Фавқулодда вазиятлар юз берган ва Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз рўй берган тақдирда улар ҳақиқий ҳарбий хизматга қақрилади. Ушбу хизматга жалб этилганлар муддатли ҳарбий хизматни ўтаганлар қандай ҳуқуққа эга бўлишса, улар ҳам ана шундай ҳуқуққа эга бўлишади. Бадални тўлаб, бир ойлик йиғинга жалб этилган, ҳарбий тузилмаларга шартнома бўйича хизматга ва ҳарбий билим юртларига ўқишга кириши мумкин.

**Шартнома бўйича ҳарбий хизмат** — Қуролли Кучлар сафига ҳақиқий ҳарбий хизматга ихтиёрийлик асосида, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари орқали давлат билан тузиладиган шартномага биноан кирган фуқароларнинг бажарадиган ҳарбий хизмат тури бўлиб, мазкур хизматни касб тариқасида танлаган фуқаролар оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида шартномада белгиланган муддат ва шартларда ўтайдилар.

**Резервчилар хизмати** ҳақиқий ҳарбий хизматни, шунингдек, сафарбарлик чақируви резервдаги хизматни ўтаган оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар жумласидан бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар учун Қуролли Кучларнинг қўшилмалари, қисмлари ва бўлинмалари сафини уруш даврида тақозо этиладиган шартлар даражасига қадар тўлдириш, шунингдек, уруш даври тақозо этадиган тузилмаларни кучайтириш мақсадига умумий ҳарбий мажбурият асосида жорий этилган ҳарбий хизмат туридир.

## ЧАҚИРИЛУВЧИ

Ўн олти ёшга тўлган ўспиринлар Ватанга хизмат қилиш учун тайёргарлигини бошлаб юборади. Дастлаб мудофаа ишлари органлари то-

моат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам жалб этилиши мумкин.

Маълумки, амалдаги Қонунга кўра, ўн саккиз ёшдан йиғирма етти ёшгача бўлган йиғитлар Ватанга хизмат қилишга тайёр — чақирилувчи ҳисобланади.

Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизмат ва сафарбарлик чақируви резервдаги хизматга қақриш йилига икки марта: баҳорда апрель — май ойларида, кузда эса октябрь — ноябрь ойларида ўтказилади.

Ўн саккиз ёшга тўлган ва ёши ўн саккиздан ошган чақирилувчилар навбатдаги чақирув тўғрисидаги қарор эълон қилингунга қадар ҳарбий рўйхатда туриш жойини ўзгартиришлари рухсат этилади. Чақирув тўғрисидаги қарор эълон қилингундан сўнг ҳарбий рўйхатда туриш жойини ўзгартиришга фақатгина бошқа жойдаги ишга ўтказилган, янги турар жойга кўчиб ўтган, ўқишга кирган ва таълим олишни давом эттиришга кетаётган чақирилувчиларга мудофаа ишлари органлари мазкур асосларнинг мавжудлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳоллардагина рухсат берилди.

Мен яқинда чақирилувчи Жасур Усмонов (Тошкент шаҳридан) билан суҳбатладим. У:

— Мен комиссиядан ўтиб бўлдим. Комиссия СЧРда хизмат қилишга лойиқ, деган хулоса чиқарди, — деди

қайтиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервиге бўшатиш ҳарбий хизматчиларнинг яшаш жойларига қайтиш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига мувофиқ қатъий амалга оширилсин». Шу ерда бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозим, Низом қондалари билан танишган киши Президентимиз, ҳукуватимиз муддатли ҳарбий хизматга қақрилганларга, хизматни ўтаб бўлганларга жуда катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга ташкилоти амин бўлади.

Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмаларида муддатли хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлганларни уйларига давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда байрамона кузатиш аъналага айланиб қолди. Шу кунги энг илғор аскарларга ўқишга киришлари учун «Тавсиянома» тантанали равишда топширилади. «Тавсиянома» олганлар қандай имтиёзга эга бўлишдан хабарингиз бор. Шундай бўлса-да, эслатиб ўтмоқчимиз. Мазкур ҳужжат ўқишга кириш учун зарур бўладиган энг юқори баллининг 20 фоизини ташкил этади. Биринчи йил омади чопмаганлар, кейин яна икки марта «Тавсиянома»дан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Аскар бўлиб хизмат қилганлар ватанпарварлик мактабини ўтган фуқаро

ролар сифатида ишга жойлашишда ҳам устуник ҳуқуқидан фойдаланишади.

Бугунги кунда милицияга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига олатда армия мактабини ўтаган ёшлар қабул қилинишини ҳам ҳисобга олсак, ҳарбий малакага эга бўлган кишиларга эҳтиёж нечоғлиқ катта экани маълум бўлади.

## ҚАРОР ВА БУЙРУҚНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ва Мудофаа вазирининг буйруғи навбатдаги чақирувни белгиланган муддатда сифатли амалга ошириш ҳамда муддатли хизмат муддатларини ўтаб бўлган хизматчиларни резервга бўшатишда асосий ҳужжат ҳисобланади.


Юртбошимиз шундай таъкидлайди:

«Ҳеч бир касбни камситмаган ҳолда, шунингдек, айтиш керакки, ҳарбий хизмат кишидан бошқа соҳа мутахассисларига нисбатан кўпроқ мардлик, матонат ва фидоийлик фазилатларини, ўз Ватани олдидаги бурчи ва қасамдга содиқлигини талаб этади».

Бу фикрнинг қанчалик тўғри, оқилона эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Мисолларга мурожаат этамиз.

Оддий аскар Сирожиддин Маҳмудовнинг отаси Мирза ака, Самарқанд вилоятидан:

— Ўғлим Термиз гарнизониди хизмат қилляпти, — дейди биз билан суҳбатда. — Яқинда уйга қайтади. Бир неча марта командирдан «Ташаккурнома» олдим. Қўнғироқ қилган эдим, ўғлим, хизматдан бўшатилишидан олдин қисмида тантанали кузатиш маросими бўлишини айтди. «Вақтингиз бўлса келинг. Рухсат



берсангиз, шартнома бўйича хизматга қолмоқчиман ҳам», деди. Онаси билан маслаҳатлашувдим, рози. Ўша тадбирга боришга тайёргарлик кўряпман. Ўғлим ҳарбийликни касб сифатида танлаётганидан хурсандман.

Чақирилувчи Фаррух Аъзамовнинг отаси Комил ака, Тошкент шаҳар, Сергели туманидан:

— Президентимизнинг ва Мудофаа вазирининг чақирув тўғрисидаги Қарор ва буйруғини газетада ўқиб, бу чақирув аввалгиларига ўхшамаслигига, ўзига хос эканлигига амин бўлдим, — дейди тўлқинланиб. — Биринчидан, чақирув комиссиялари ишини самарали ташкил этиш масаласига жиддий эътибор қаратилган. Иккинчидан, чақирилувчиларни армияга кузатиш тадбири тантанали амалга оширилиши таъкидланган. Шунингдек, хизматини ўтаб бўлганларни уйига тантанали кузатиш, уларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида ургу берилган. Менимча, буларнинг бари Қуролли Кучларимизда хизмат қилишнинг нуфузи янада ортишида муҳим омил бўлади. Ҳозир ўғлим мудофаа ишлари бўлимида комиссиядан ўтапти. Хизматнинг қайси турини ўташидан қатъи назар Ватан корига яраса, мен учун катта бахт.

Подполковник Абдураззоқ ОБРЎЕВ, «Ватанпарвар» мухбири.

(Окончание.)

Начало на 1-й стр.)


Мухарам-апа и Ислом-бобо практически преопределили его будущее — стать медиком и стоять на страже здоровья людей. Но Бахроном, отличника учебы, победителя олимпиад по географии, физике, истории и биологии, что-то сдерживало. И он оказался на перепутье: ему очень хотелось поступать в медицинский институт, с другой же стороны, он не меньше родителей переживал за младших Халиму и Анвара...

После отличного окончания своей сельской школы в 1974 году Бахрон поступает в Самаркандский медицинский институт. За короткое время он становится одним из лучших студентов. В 1978 году, уже после окончания четвертого курса, у Бахроном появляется шанс, который, кстати, круто переломил всю дальнейшую судьбу Давронова. 33 студента пытаются свое счастье быть слушателями военно-медицинского факультета Саратовского медицинского института. Но только четверо, в том числе Б.Давронов, успешно выдержали экзамены и были зачислены.

На военно-медицинском факультете многие завидовали усидчивости, трудолюбию и целеустремленности будущего военного врача из Узбекистана. Все трудности языкового барьера Давронов преодолевал благодаря настойчивости и упорству. Новые «высоты» покорялись одна за другой. Но студента волновало и другое.

— Меня абсолютно не пугали трудности. Я больше всего волновался за своих родных и близких. Поэтому часто ло-

## ЭТИ СУДЬБЫ ВОЕННЫЕ



вил себя на мысли: «Я должен уехать домой. Там я нужнее...». Хорошо, что рядом оказались верные друзья, настоящие воспитатели и наставники. Они поддержали меня в трудную минуту. С благодарностью сейчас вспоминаю полковника медицинской службы Рустама Элибаева, майора медицинской службы Бориса Фреймана. Они говорили, что после окончания вуза я смогу принести больше пользы людям, в том числе и родным.

В конце 1980 года Бахрон Давронов заканчивает учебу на лечебно-профилактическом факультете по специальности хирург. Затем его направляют для прохождения дальнейшей службы.

С первых дней службы в воинской части офицер Давронов показал себя с положительной стороны. Особенно отличали его старательность и

трудолюбие. Потому уже вскоре его назначают начальником медпункта в одной из войсковых частей.

Судьба у военнослужащего такая, что сегодня ты в одном гарнизоне, а завтра, по приказу, можешь быть уже в другом. Так случилось и с нашим героем. В конце 1985 года он прибыл военным врачом в одну из войсковых частей Термезского гарнизона. Там офицер проходит службу на различных должностях. Затем становится преподавателем военной кафедры Самаркандского ГМИ. Позже были назначения начальником лабораторного отделения, заместителем командира по медицинской части, начальником госпиталя, начальником медицинской службы аппарата управления Восточного военного округа. Сегодня он — начальник медицинской службы аппарата управления Центрального военного округа.

За все это время полковник медицинской службы Бахрон Давронов воспитал целую плеяду преданных своему делу учеников. Среди них подполковники медслужбы Кахрамон Уринов, Фахриддин Шукуров, Шерзод Бегимкулов. А майоры медслужбы Камолитдин Нурмуродов и Обиджон Ахмедов являются сейчас слушателями военно-медицинской Академии в Санкт-Петербурге.

— Мы ценим его как грамотного профессионала, — говорит майор медицинской службы Абдурахмон Орипов. — Сейчас благодаря полковнику

Давронову в войсковых частях округа регулярно проводятся выездные медицинские конференции, где специалисты обмениваются друг с другом опытом работы по своим направлениям, проводят занятия. Поначалу это новшество было непонятно. Но со временем мы убедились, что именно на конференциях врачи получают ценные знания. Теперь коллеги отлично знают порядок развертывания, содержания и организации работы перевязочной медпункта части в палатке и автоперевязочной,

Полковник медслужбы Бахрон Давронов с супругой Башорат-апа воспитали достойных дочь Дильнозу и сына Бахтиера. Дочь, кстати, пошла по стопам отца. Она, успешно окончив Самаркандский медицинский колледж, работает санитаром в Школе подготовки сержантов в Самарканде. Бахтиер учится на последнем курсе экономического факультета СамГУ. Тоже готовится после окончания военной кафедры надеть офицерские погоны.

Все, кто хорошо знаком с полковником Бахроном Давроновым, называют его книголюбом. Бахрон Давронович



умеют оказывать помощь при комбинированном радиационном и химическом поражении, хирургическую помощь, медицинскую помощь при ранениях и закрытых повреждениях, способны организовать диетическое питание в условиях войсковой части и многое другое.

Как требовательного, справедливого, честного и понимающего знает полковника Давронова начальник военного лазарета майор Шухрат Жаббаров.

— У нас «золотой» начальник, — добавляет ко всему сказанному ответственный исполнитель медслужбы округа рядовой по контракту Алия Сагдиева. — Своей справедливостью, честностью и порядочностью Бахрон Давронович заслужил наше уважение. Он никогда не заставляет ждать подчиненных, ценит свое и наше время, уважителен. Стараются внимательно выслушать каждого.

большой любитель книг на исторические темы. Он обладает глубокими знаниями по истории Узбекистана и многих стран мира.

— Ты можешь не знать высшую математику, в совершенстве не владеть иностранными языками, но знать историю своей страны ты обязан, — говорит полковник Б.Давронов. — Руководитель должен уметь воспитывать своих подчиненных на героическом прошлом, на примере патриотов, которые не жалели своей жизни ради процветания нашей Родины.

Полковник Бахрон Давронов делает все необходимое для того, чтобы его подчиненные стали настоящими патриотами независимого Узбекистана, вносят весомую лепту в дело процветания нашей страны.

Майор Хайриддин ЗАЙНИЛОВ, корр. «Ватанпарвара».



## МАШҒУЛОТЛАР САМАРАСИ

Бизлар Низомий номидаги Тошкент давлат университети ҳарбий кафедрасининг 3-босқич талабалари, бўлғуси қақриққача бошланғич таълим ўқитувчиларимиз. Куролли Кучларимиз ҳарбий билим юртларидаги курсант тенгдошларимиз қатори бизлар ҳам ижодий имтиҳонлар ва давлат тест синовларини топишгач, 1-босқичга қабул қилиниб, 4 йил мобайнида ушбу ҳарбий кафедрада таҳсил оламиз.

Яқинда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида икки кунлик амалий машғулотларда бўлиб қайтдик. Дастлаб машғулот мотуўқчи қўшинларнинг жанговар машиналарини амалий ўрганишга, улар билан яқиндан танишишга, иккинчи кун эса уларнинг курол-аслаҳаларини ва қўшинларнинг муҳандислик таъминоти масалаларини ўрганишга бағишланди. Бундай машғулотлар соҳа илмини пухта ўрганишда асқотмоқда.

Машғулотларнинг сермазун ва қизиқарли ўтишида билим юртининг ўқитувчилари подполковниклар — Н.Атамуротов, Х.Уралов ва Б.Қодиров, майор Б.Саманов, капитан Р.Абдумаликов, кичик сержант У.Гафаровларга ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиб берганлиги учун билим юрти қўмондонлигига барча курсдош ўртоқларимиз номидан каттадан-катта миннатдорчилик билдирамыз.

Ҳозирда ҳарбий кафедрамизнинг барча 3-босқич талабалари мазкур билим юртида бўлиб ўтадиган ёзги дала-ўқув йиғинларига ҳозирлик кўрмоқдалар.

Т.АБДУРАСУЛОВ, Х. ШУКУРОВ, Низомий номидаги ТДПУ ҳарбий кафедрасининг III-босқич талабалари.

Ҳадемай Куролли Кучларимиз қисм ва бўлинмаларида баҳорги синов машғулоти бошланади. Ушбу имтиҳонлардан муваффақиятли ўтишни кўнгулларида жо қилган она юртимиз ҳимоячилари синоволди машғулотида фаол қатнашиб, ўз касбий маҳоратларини янада мустаҳкамлашга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Қишки ўқув мавсуми мобайнида нечоғлик илм ва тажриба ортирганликларини назарий дарслар ҳамда амалий машқлар чоғида моҳирона намойиш этмоқдалар.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержант Арслон Бўриев қўл остидаги жангчилар ҳам синовларга кўтаринки кайфият ва катта масъулият билан ҳозирлик кўришмоқда. Ушбу жамоа аъзолари мавсум бошланиши олдида бу гал ҳам пешқадамликни қўлдан бой бермасликка ва бу орқали қисмдаги энг илғор бўлишга, деган шарафли номига сазовор бўлишга қатъий аҳд қилган эдилар. Шу боис, ҳар бир жангчи берган ваъ-

## Бўлинмалардан хабарлар

### МАҚСАДЛАРИ ЮКСАК

дасининг устидан ёруғ юз билан чиқиш ниятида бор билим ва имкониятларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратган.

Ҳозиргача барча техникалар кўриқдан ўтказилиб, шай ҳолга келтирилиб қўйилди. Ўқув-моддий базаси яна бир бор текширилди ва зарур воситалар билан тўла бутланди. Бунда, айниқса водийлик оддий аскар Акмал Норбўтаев ва жиззахлик оддий аскар Музаффар Тожиевлар устоз-командирларига яқиндан ёрдам бердилар. Жонқуяр посбонлар дала-ўқув машқлари жараёнида асқотиши мумкин бўлган кўргазмали куролларни тахт қилишда кўпчиликка ибрат бўлдилар.

Етакчи оддий аскарлар саф кўриги, Умумҳарбий низомлар ва махсус тайёргарликка оид ўткази-

лажак имтиҳонларга ҳам талаб даражасида ҳозирлик кўришаётир. Азамат посбонлар синовлардан юқори кўрсаткичлар билан ўтиш, бу ўз-ўзини кўз-кўз қилиш иши эмас, балки жамоа жанговар шайлиги нечоғлик даражада эканлигини намойиш этиш эканлигини яхши билдилар.

— Синовларгача саноқли кунлар қолди, — дейди кичик сержант А.Бўриев. — Ҳар бир фурсат биз учун ганимат. Бунинг тўғри тушунган сержант ва оддий аскарларимиз синоволди тайёргарлигига оид ҳар қандай топшириқларни сидқидилдан адо этишга интилоқдалар...

Катта лейтенант Ҳасан МИРЗАЕВ, «Ватанпарвар» муҳбири.

Қоровуллик хизматини ўташ – жанговар вазифа

## СОҚЧИЛАР ПОСТЛАРДА ҲУШЁР ТУРИБДИ



Майор Фанишер Қурбонов етакчилигидаги автомобилчилар взводи жамоаси асосий хизмат вазифаларини бажариш билан бирга қоровуллик хизматини ўташга ҳам ўз муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лейтенант Бауржон Позин

ловни биз қоровул шаҳарчасида учратдик (суратда) – тарбиячи офицер навбатдаги гуруҳ аъзоларига хавфсизлик чоралари ва ҳушёрлик қоидалари ҳақида машғулот ўтаётганиди.

– Суҳбат тарзида ўтказилган мазкур машғулотнинг

бош мақсади – бу қоровулга тушаётган аскарларнинг Умумҳарбий низомлар бўйича билимларини текшириш ва уларнинг руҳий ҳолатини ўрганишдир, – дейди лейтенант Б.Позин. – Чунки, ўз ҳаракатларини яхши билмаган ёки

руҳий тушкунликка тушган посбонга жанговар қуролни ишониб бўлмайди.

Тарқатувчи оддий аскар Асилбек Ҳожимуродов соқчини алмаштирадиган вақти келиб, қуролланган аскарни бошлаб келганида, оддий аскар Азиз Аҳмедов постда ҳушёр турганининг гувоҳи бўлди. Қоровуллик хизмати низомида белгиланган қоидаларга кўра, қоровул наряди алмаштирилди. Аммо, тарқатувчи бошлаган аскар дам олиш хонасига йўл олмади – олдин у қоровул шаҳарчасига қайтиб, қоровул бошлиғига қуролни кўрсатди.

– Қурол ўқсизлантирилди, сақлагичга қўйилди, – деган ҳисоботни олгач, қоровул бошлиғи катта лейтенант Темур Гучиев (суратда) автоматни кўздан кечириб, фақат шундан сўнг оддий аскар А.Аҳмедовга дам олишга рухсат берди.

Дарҳақиқат, ўқланган жан-

говар қурол билан ҳаракатланиш чоғида хавфсизлик чораларига оғишмай риоя қилишгина кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга кафолат бўла олади. Эҳтиёткорлик йўқ жойда қурол айрим ҳолларда ўз эгасига ҳам жароҳат етказиши мумкин.

